

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА-КОРПОРАТИВ БОШКАРУВ ТИЗИМИ ИЛМИЙ НАЗАРИ АСОСЛАРИ

Эшбекова Назолат Абдуғаффор қизи

*Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги
бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси*

Аннотация. Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларида-корпоратив бошқарув тартибга солиш ва бошқаришнинг илмий назарий асослари, шунингдек иқтисодий ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Калит сўзлар: бошқарув, корпоратив, инновация, компания, стратегия, компания бошқариш.

Корпоратив корхоналарда инновациялами бошқаришни такомиллаштириш бугунги кунинг долзарб муаммолардан “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”¹ деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Инновацион ривожлантириш стратегияси юқори самарали иш жойлари яратилишига ҳам йўналтирилган бўлиб, мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан муносиб бандлигини таъминлаши ҳам шубҳасиздир.

Бунда корпоратив молияни бошқаришнинг субъектлари ҳисобланган молиявий менежерлар томонидан молиявий ривожланиш стратегияларидан қайси бири компания учун фойдали эканлигини аниқ ҳисоб-китоблар асосида белгилаб беради.

Бирлашиш ва қўшиб олиш битимлари орқали янги бизнесни ташкил этишдан асосий мақсад сифатида бизнесга қўшимча элементлами бирлаштириш ва интеграциялаш ҳисобига компаниянинг стратегик устунлигини таъминлашни келтириш мумкин. Мураккаб молиявий-иқтисодий ҳолатларда бирлашиш ва қўшиб олишлар компаниялар учун янада кўпроқ долзарблик касб этади. Аслида эса ушбу икки атама ўртасида малум фарқлар мавжуд. “Қўшиб олиш” атамаси баъзан бирлашишнинг ҳар қандай шаклига нисбатан ҳам қолланилади. Бунинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.


Бир компания бошқа бир компания устидан назорат ўрнатса ва ўзини ушбу компаниянинг янги хўжайини, деб елон қилса, бу битим *қўшиб олиш* деб аталади.

Юридик нуқтайи назардан, қўшиб олинган компания ўз фаолиятини тугатади, қўшиб олган компания эса харид қилинган (қўшиб олинган) компаниянинг бутун бошли бизнесини ва аксияларини ўз тасарруфига олади. Бирлашиш жараёнида эса юқорида талсидланганидек аксарият ҳолларда молиявий жиҳатдан ўзаро тенг кучга эга болган икки компания ўз бизнесини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 23 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

битта компанияга бирлаштирган ҳолда давом еттиришга қарор қилади. Мазкур ҳолатда ҳам бир компаниянинг бошқасини сотиб олиши ва ўзаро келишган ҳолда қўшиб олинган (харид қилинган) компания билан ўзаро бирлашди, деб елон қилиш ҳолатлари учрайди. Ҳақиқатда еса бир компания бошқасини қўшиб олган болади. Бу амалиётнинг афзаллик томони шундаки, қўшиб олинган компания учун унинг бошқа бир компания томонидан қўшиб олиниши қўшилиб кетган компания нуфузига салбий таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда, қўшиб олинган компания менежерлари ушбу жараённи компания нуфузига путур етказмайдиган тарзда амалга оширишга интилади.

Молиявий таҳлилчилар компаниялар ўртасидаги интеграциядан келиб чиққан ҳолда корпоратив бирлашиш ва қўшиб олишлари одатда учта типга ажратадилар (1-расм):



1-расм. Ўзаро боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда корпоратив бирлашишлар ва қўшиб олишларнинг таснифланиши

1. *Горизонтал бирлашиш ва қўшиб олиш.* Бу типга битта тармоқда фаолият кўрсатувчи компанияларнинг ўзаро бирлашиши ёки қўшиб олиниши ҳолатларини киритиш мумкин. Бундай компаниялар бозорда ўзаро рақобатчилар ҳисобланади. Бунга 2005-йилда “Ўзўйжойжамғармабанк” ва “Заминбанк”нинг ўзаро бирлашишини мисол сифатида келтириш мумкин.

2. *Вертикал қўшиб олиш.* Вертикал қўшиб олиш ўзаро боғлиқ тармоқларда йирик компания томонидан бизнеснинг турли босқичларидаги компанияларни ўзига жалб этиш орқали фаолиятни ташкил этишни кўзда туттади. Масалан, авиакомпанияларнинг туризм агентликларини ўзига қўшиб олишини вертикал қўшиб олиш сифатида келтириш мумкин.

3. *Конгломерат қўшиб олиш.* Фаолият ёналишлари ўзаро боғлиқ болмаган компанияларнинг бин томонидан иккинчисининг қўшиб олиниши конгломерат қўшиб олишни англатади. Бунга мисол сифатида компьютерлар ишлаб чиқарувчи компаниянинг ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компанияни қўшиб

олишини келтириш мумкин.

Ўзаро бирлашаётган ёки қўшиб олинаётган компанияларнинг мамлакатларга мансублигидан келиб чиққан ҳолда бирлашиш ва қўшиб олишлари қуйидаги икки турга ажратиш мумкин:

- *миллий бирлашишлар* - битта давлатда жойлашган компанияларнинг ўзаро бирлашиши;

- *трансмиллий бирлашишлар* - турли давлатларда жойлашган компанияларнинг ўзаро бирлашиши ёки бошқа мамлакатларда жойлашган компанияларни қўшиб олиш.

Компанияларнинг фойда ҳажмини максималлаштириш ва бу орқали компания бозор қийматини оширишга бўлган интилишларидан келиб чиқиб, корпоратив бирлашиш ёки қўшиб олиш бўйича битимлари амалга оширишга ундовчи асосий таъсир элементлари сифатида қуйидагилари келтириш мумкин:

-қўшиб олинган компанияга юқори даражали бошқарув тизимини олиб кириш ва замонавий бошқарув технологияларини жорий этиш орқали фаолият самарадорлигини ошириш.

- таъминотчилар билан ишлаш самарадорлигини ошириш.

- такрорланувчи вазифа ва функцияларларга барҳам бериш.

-молия бозорида устунликка эга болиш.

- ресурслар бўйича бир-бирини тўлдириш имконияти.

-йирик шартномалари қўлга киритиш имконияти.

-ўзаро рақобатни четлаб ўтиш ва монополия ўратиш имконияти.

-фаолиятни диверсификациялаш имконияти.

- қўшимча ахборотлари қўлга киритиш имконияти.

-компаниянинг бозор баҳоси билан унинг активлари ўртасидаги салбий тафовутдан фойдаланиш имконияти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. –Т: Адолат, 1996.– 528 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. –Т.: Адолат, 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни №310-П 2001 йил 6 декабрь Мазсулияти чекланган ҳамда қўшимча мазсулиятли жамиятлар тўғрисида.